


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Абдуллаев Б. Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар 3
Абдухалимов Б. Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 12
Каримова Н. Сведения “Шуюй Чжоуцзылу” Ян Цзунцзяня по исторической географии Центральной Азии 24

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бобоёров Ғ., Сувонкулов М. “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари..... 34
Остонов Ж. Француз шарқшунослик мактаблари ва уларнинг тадқиқот объектлари..... 48
Воҳидова К. Фарғона водийси жадидларининг газетани аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари 68

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Мирзаева М. Шайбонийлар даври туркий ёрликлари хусусида *(Короскон саййидлари ҳужжатлари)*..... 79

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳаммадаминов С. ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари 96

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Исмоилова Ж. Тарих зарварағида Тўмарис сиймоси 113

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мадалиева О. “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида 125

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Усмонов И. ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида 146

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар..... 156

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалимов Б., Камолиддинов Ф. Центральная Азия и Совет сотрудничества арабских государств Залива – в меняющемся миропорядке 174

Акрамова Ш. Социально-экономическая ситуация в КНР после «Культурной революции» 184

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 3 майдаги мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Баҳтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Тошов Нурёғди
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

30.10.2024 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,37. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:27-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

И. Усмонов

ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида[1]

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (ЎзР ФА ШИ) сақланаётган № 9027 рақамли қўлёзма 12x20 см., 178 варақдан иборат. Ҳиротда тайёрланган қалин қаймоқ ранг қоғозга, настаълиқ хатида қора сиёҳ билан кўчирилган, айрим жойларда шикаста хати элементлари кўзга ташланади. Хаттотнинг номи келтирилмаган. Кўчирилган йили ва жойи тўпламдаги 137*а* варақда кўрсатилган: 1055/1645 йил Балх шаҳри. Жигарранг тери билан муқоваланган, айрим жойлари талафот кўрган. Мазкур тўпламда 11 асар жамлаган, шулардан 8 таси араб тилида, 3 таси форс тилида:

1. Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизийнинг (ваф. 932 й.) “Рисола ат-тақва ва-л-ибода” (“Тақво ва ибодат рисоласи”) асари (вв. 1*б*–3*а*). Асарнинг шундай номланиши ЎзР ФА ШИдаги картотека маълумотларидан олинган. Асар араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган. Ушбу рисолага “Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги”да тавсиф берилган [4: 28]. Мазкур тавсифдаги айрим маълумотлар СВР (“Собрание восточных рукописей” – “Шарқ қўлёзмалари тўплами”) билан номутаносиб.

2. Ғавсул Аъзамнинг (Абдулқодир Жилоний) (1077–1166) “Рисолат ал-Ғавс” (“Ғавс ал-Аъзам рисоласи”) асари (вв. 3*а*–6*а*), араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

---

[1] Мақолага материал тайёрлашда иштирок этган ЎзХИА амалиётчилари М. Ниёзова, М. Муҳаммаджонов, Ф. Абдумўминова ва М. Ҳошимжоновага миннатдорчилик билдираман.

3. “Рисола фи илм ал-мавоиз” (“Мавъизалар илми рисоласи”) асари (вв. 6*а*–17*б*), араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

4. Абдулқодир ибн Аҳмад ал-Маккийнинг (1514–1574) “ал-Асъила” (“Саволлар”) асари (вв. 6*б*–43*а*) араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

5. “Иршод ат-толибин ли аҳками нун ас-сакина ва-т-танвин” (“Талабаларга сукунли нун ва танвин ҳукмлари бўйича қўлланма”) асари (вв. 43*а*-44*б*) араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

6. Зайн ал-Қудот Аҳмад ибн Муҳаммад Али Ҳажжийнинг (XVII аср) “ал-Мунаббиҳот” (“Ҳушёрликка чорловчи”) асари (вв. 45*а*–61*б*) араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

7. “Ал-Мухтасар фи-т-тиб” (“Мухтасар тиб”) асари (вв. 61*б*–63*б*) араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

8. Шиҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммаднинг (1318–1344) “ан-Нузҳа фи илм ал-ҳисаб” (“Ҳисоб илмига сайр”) асари (вв. 63*б*–71*б*) араб тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

9. Низомиддин Аҳмад Бадахшийнинг “Рисола дар баён калимати тавҳид” (“Тавҳид калималари баёни ҳақидаги рисола”) асари (вв. 72*б*–137*а*) форс тилида, настаълиқ хатида ёзилган. Ушбу асарга СВРда Т. Дубровский томонидан тавсиф қилинган: “Муаллифи Ғозихон лақабли Низомуддин Аҳмад Бадахший (XVII асрнинг биринчи ярмидан кеч бўлмаган вақтда яшаган, буни биринчидан, қўлёзманинг ёзишмалари санасига кўра – 1055/1645 йил, иккинчидан, 949/1542–1543 йилларда вафот этган Махдуми Аъзам асарларига қилинган ҳаволалардан хулоса қилиш мумкин). Тасаввуфий-фалсафий мазмундаги рисолада асосий сўфий атамаларидан бирининг маъноси ва бу масала бўйича расмий дин (илми расми ёки илми зоҳир) вакиллари сўфийларнинг (илми тасаввуф ёки илми ботин) ўзаро муносабати очиб берилган. Жалолиддин Румий (ваф. 672/1273), Хожа Аҳрор (ваф. 895/1489–1490) ва юқорида зикр этилган Махдуми Аъзам каби таниқли тасаввуф вакилларининг сўзларига ҳаволалар қилинган, уларнинг ҳаёт йўлларидан лавҳалар келтирилган [3: 341].

10. “Рисола дар шарҳ масоили сойд” (“Овчилик масалалари шарҳи рисоласи”) асари (вв. 138*б*–162*б*) форс тилида, настаълиқ хатида ёзилган.

11. “Маҳозир Даъави” (“Даъво баённомалари”) асари (вв. 163*б*–178*а*) форс тилида, настаълиқ хатида ёзилган. Ушбу асарга СВРда Т. Дубровский томонидан тавсиф берилган: “Даъво актлари. Ҳар хил даъво актларини тузиш намуналари. Тузувчи номаълум, аммо Ҳирот шаҳридан олинган даъволар намуналарида қайта-қайта зикр қилинган нарсаларга қараганда, у ҳиротлик бўлса керак. Мулкий ва фуқаролик даъволари, масалан: биров томонидан қарзга олинган буғдой учун даъво, нарсалар учун даъво (кийим-кечак, идиш-товоқ, китоб ва бошқалар), тан жароҳати тўғрисидаги даъво, васиятнома бўйича мерос талаби даъвоси ва бошқалар. Даъво намуналари афтидан, 904/1499 йилга тааллуқли, чунки намуналардан бирида шундай дейилган: “Бу қарз жорий 904 йил рамазон ойигача кечиктирилди” [3: 340].

Мазкур тўпламда биринчи бўлиб келтирилган Ҳаким Термизийнинг “Рисола ат-тақва ва-л-ибода” асари 1*б*–3*а* варақларда жойлашган. Асарда инсонда парҳезкорликни оширишга хизмат қиладиган тавсиялар келтирилган ҳамда айрим ибодат амалиётлари бўйича мухтасар хулосавий фикрлар билдирилган. Қўлёзмада келтирилган фикрлар Ҳаким Термизийнинг бошқа асарлари, хусусан, “ал-Иҳтиётот” (“Эҳтиёт чоралар”) ва “Наводир ал-усул”да (“Нодир асллар”) келган фикрларига уйғун, айримлари ҳатто такрор. Ушбу рисола Ҳаким Термизийнинг кўплаб рисолаларидан бири, зеро, аллома юзлаб рисолалар ёзгани маълум. Туркиянинг Валиюддин фондидаги № 770 рақам остида сақланадиган Ҳаким Термизийга мансуб 34 асарни жамлаган қўлёзма тўпламининг 11*а*–19*б* варақларида жойлашган “Масъала фи-т-тақва” (“Тақво масаласи”) асари ЎзР ФА ШИ даги “Рисола ат-тақва ва-л-ибода”га сарлавҳа нуқтаи назардан ўхшаш туюлса-да, аммо мазмун ва ҳажм жиҳатдан фарқ қилади. Аммо бу асар Термизийнинг “масоил” туркумидаги рисолаларидан бири эканига шубҳа йўқ. Зеро, фикрлар, услублар, далил келтириш йўллари рисоланинг Ҳаким Термизийга мансуб эканига гумон қолдирмайди.

Ушбу тўплам буюртмачиси араб ва форс тилларини билган. Унинг яшаган жойи ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳрга чегарадош минтақаларда бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Тўплам “кичик кутубхона” ролини бажарган бўлиши мумкин. Тўплам қамраб олган мавзулар қўлёзма соҳибининг ўз давридаги турли илм соҳаларига

қизиққанини намоён этади. Жумладан, тасаввуф, қироат илми, мерос илми, ақида, фиқҳ, қозилик ишларини юритиш, табобат ва бошқа. Лекин шуни қайд этиш лозимки, гарчи китоб мавзулари хилма-хил бўлса-да, тасаввуф мавзуси устувор. Эҳтимол, китобдан таълимий мақсадларда фойдаланилган. Китоб аввалидан Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуфи дарғаси Ҳаким Термизий асарининг ўрин олиши бир жиҳатдан китоб эгасининг тасаввуфга мойиллигини, бошқа жиҳатдан эса таълим жараёнини руҳий тарбия билан бошлашга эътибор берилганини намоён қилади.

Матн "Бисмиллаҳ" ва "Шайх Имом Ориф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий сўзларидан" деб бошланади. Қуйида "Рисола ат-тақва ва-л-ибода" асарининг арабий матни ва таржимасини келтирамиз:

بسم الله الرحمن الرحيم

من كلام الشيخ الإمام العارف الوالي أبي عبد الله محمد بن علي الحكيم الترمذي قدس الله روحه العزيزأن الله تعالى اختص هذه الأمة وأكرمهم بحظوظ عظيمة وقدمهم على الأمم بما أودعهم فيه من الحكمة وعلوم القربة قال الله عز من قائل: قل إنّ الهدى هدى الله[1] نسب الهدى الذي يهدى به هذه الأمة وأعطاهم إلى اسم الله تعالى لأنّ الله اسم للعظمة وفي العظمة جمع الأسماء والعلوم فورثنا عن رسول الله صلى الله عليه و على اله وسلم معاشر الأمة جمل الكلام و العلم والطريق المختصر الى الله عز و جل لفضل هذه الحظوظ و فضل اليقين

وإنما توتد عيون من كانت له فطنة وغفل عن الله عز و جل خطابه فاستوتد و إطمأن إلى الله عز و جل فشرح الله سبحانه صدره وأنار قلبه حتى شح على دينه واحتاط على أنفسه فالمؤمن حذر وقاف بثبت لا يعجل والمنافق لا يبالي من أين كسب وفيما أنفق ثم علمنا أن جملة الإسلام الرضا بالحكم والقناعة بما قسم له من الدنيا و الأمر والنهي وجملة الكفر الغفلة و الشك والرغبة في الخلق و الريبة عنهم وجملة العلم علم البدء و علم التدبير وعلم الأحكام وجملة الطاعة أداء الفرائض واجتناب المحارم وجملة (2[a]) الشر الحرص والشح والبخل والكبر والحسد والعجلة و الاستبداد

وجملة العبادة حفظ الجوارح السبع وجملة الإيمان قرار قلبك بالله تعالى له طمانينة نفسك إلى الله تعالى في كل مكروه ومحبوب وجملة الذكر أن يكون بقلبك مع الله تعالى بين يديه في كل وقت و على كل حال وجملة الإحسان أن تعبد الله تعالى كأنك تراه وجملة الجهاد مجاهدة النفس والهوى وجملة الهجرة هجرة السوء وجملة المعاذ أعوذ بكلمات الله التامات كلها من شر ما خلق ومن شر نفس وما فيها ثلاث مرات

و جملة من أراد أن يقع في ضمان الله و كنفه بسم الله على دينى بسم الله على نفسى بسم الله على أهلى ومالى واولادي وعلى كل شيء أعطاني اللهم بك اخترس وبك أستجيراجعلني وإياهم في عياذك من كل شر و من شر كل شيء أنت آخذ بناصيتها إن ربي على صراط مستقيم[2] وأقدم بين

[1] "Оли Имрон" сураси, 73-оят.
[2] "Ҳуд" сураси, 56-оят.

يدي وايديهم وعن يميني وعن أيمانهم وعن شمالي وعن شمائلهم ومن فوقي ومن فوقهم، ومن تحتي ومن تحتهم ومن خلفي ومن خلفهم قل هو الله أحد الله الصمد الى آخر السورة. وجملة من أراد ان يكون له إيمان دائم أن يكون هجيراه قول لا إله الا الله في كل حال وفي كل عمل وإقبال وإدبار ليتجدد له إيمانه لأن الإيمان يخلق ويتدنس بالشرك النفس والهوى ولذلك قال صلى الله عليه وسلم جددوا إيمانكم بلا إله إلا الله

وقال ([6]2) معاذ رضي الله عنه الذكر يزيد الإيمان جدة و القلب طراوةً وجملة تلاوة القرآن بالليل أم الكتاب والقلات الأربع قل يا ايها الكافرون وقل هو الله أحد ومعوذتين خاتمة سورة الحشر وخاتمة سورة البقرة وجملة تلاوة القرآن بالنهار سورة يس من قرأها فكأنما قرأ القرآن عشر مرات وجملة تلاوة في ليلة الجمعة سورة يس في ركعة وحم الدخان في الثانية والم تنزيل فى الثالث وفي الرابع تبارك الذي بيده الملك وجملة صلاوات الليل أربع ركعات بعد العشاء في المسجد من غير سلام عن ابن عمر رضي الله عنهما أنه قال من صلى أربع ركعات بعد العشاء قبل أن يخرج من المسجد فكأنما صلاها في ليلة القدر. وعن عبد الله رضي الله عنه أنه قال من صلى اربع ركعات بعد العشاء لم يفصل بينهن بتسليم عدلن باربع او بمثلهن في ليلة القدر.

وجملة من أراد أن يؤدي حقوق المؤمنين يقول كل يوم خمس وعشرين مرة اللهم اغفر للمؤمنين و المؤمنات والمسلمين والمسلمات. ففي الخبر من قالها رد الله عز وجل من كل حي وميت ومن قالها خمس وعشرين مرة في يومه نزع ذلك اليوم ما في قلبه من غل أو حسد. وكتب له من كل سوء في حسنته وكتب ذلك اليوم من الإبدال ووقف يوم القيامة للمؤمنين. وقيل إن هذا كان ليستغفر لكم فيستغفرون له وجملة من أراد ان يؤدي حقوق الجيران وهم أربعون دارا من كل جانب. بين يديه وخلفه وعن يمينه وشماله يقرأ آية الكرسي كل ليلة مرة واحدة ([a]3) ويدير باصبعه حول هذه الدور كلها بقلبه ونيته يكون لهم حارثا يدفع الله تعالى عنهم البلاء بقراءته

وجملة من أراد الصلة لمن بينه وبين آدم عليه السلام يحب للناس ما يحب لنفسه ويأتي إليهم من ذلك ما قدر عليه ويكره لهم ما يكره لنفسه ويتوقاه. وجملة من أراد أن يكون في مزيد من النعم ودوام يكثر من قوله الحمد لله ذي الحمد الذي حمد به نفسه و جملة الصدقة صدقتك على ذى الرحم الكاشح وصدقتك يوم عاشوراء تدرك به ما فاتك من الصدقة وصدقتك عن أبويك

وجملة الصوم ثلاثة أيام في كل شهر أيام البيض وإن شئت في كل عشرة يوما ويوم عرفة ويوم العاشر من رجب ويوم العاشر من المحرم وجملة صلاة النهار أربع ركعات من اول النهار يقول الله تعالى يا بن آدم صل أربع ركعات أول النهار أكفيك آخره وأربع ركعات بعد الزوال تعديل صلاة السحر ومن فاته آخر به من الليل أدركه بهذه أربع وهي صلاة الرحمن وهي ساعة يسبّح الله عز وجل فيها كل شيء لصلاة الرحمن

والحمد لله رب العالمين وصلى الله وسلم وبارك على سيدنا محمد المصطفى الأمين وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم بإحسان الى يوم الدين تم بالخير

Мехрибон ва раҳимли Аллоҳ номи билан бошлайман. Шайх Имом Ориф Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳаким ат-Термизий сўзларидан, Аллоҳ унинг азиз руҳини муборак қилсин. Аллоҳ таоло бу умматни ажратиб олди ва уларни улуғ насибалар билан икром қилди ва

бошқа умматлардан илдамлатиб қўйди ва уларга ҳикмат ва қурбат илмларини жо қилди. Аллоҳ азза ва жалла деди: "Албатта, ҳақиқий ҳидоят Аллоҳнинг ҳидоятидир" ("Оли Имрон" сураси, 73-оят). Бу билан У умматни тўғри йўлга олиб борадиган ҳидоятни Ўзига нисбат берди. Аллоҳ таоло уларга Ўз исмини берди. Чунки Аллоҳ улуғликнинг исмидир. Бу улуғликда исмлар ва илмлар жамланади. Бизнинг уммат мана шу саодат ва насибалар ҳамда эътиқод туфайли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан афзал калом ва лўнда илмни, Аллоҳ азза ва жаллага элтувчи қисқа йўлни мерос қилиб олдик.

Дарҳақиқат фаҳм-фаросатлиларнинг ҳам кўзлари чалғийди ва Аллоҳ азза ва жалланинг хитобидан ғафлатда бўлади. Сабот талаб қилиб, Аллоҳ азза ва жаллага хотиржам бўлади. Шунда Аллоҳ Субҳанаҳу ва таоло динга харис бўлиши ва нафснинг эҳтиётини қилиши учун унинг кўксини очиб қўйди ва қалбини нурлантирди. Мўмин киши эҳтиёткор бўлади. Шошилмайди, собитлик билан туради. Мунофиқ эса қаердан топиб, қаерга сарфлаганига эътибор ҳам қаратмайди. Сўнгра билдикки, бир сўз билан айтганда, ислом – ҳукмларга розилик ва унга бу дунёда тақсим қилинган нарсага қаноат қилиш, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришдир. Бир сўз билан айтганда, куфр бу – ғафлат (ҳақ йўлдан ғофил бўлиш), шак-шубҳа, одамларга тилёғламалик қилиш, улар ҳақида шубҳага боришдир. Илм эса, лўнда қилиб айтганда бошланиш, тадбир (Аллоҳнинг бандаларига қилган тадбирларини билиш) ва ҳукмлар илмларидир. Бир сўз билан айтганда, итоат – фарзларни бажариш, ҳаромдан ўзини тийишдир. Ёмонлик тушунчаси ҳирс, хасислик ва бахиллик, кибр, ҳасад, шошқалоқлик ва зулмкорликдир.

Ибодатнинг моҳияти – еттита аъзони сақлашдир. Имоннинг моҳияти – қалбинг билан ёқимсиз ва ёқимли нарсаларда ўзингни Аллоҳ таолога нафсингни ҳотиржам қилган ҳолда У билан қарор топишинг. Зикр моҳияти ҳар қандай ҳолатда ва ҳар вақтда қалбинг Аллоҳ таоло ҳузурида У билан бирга бўлишидир. Эҳсон моҳияти ҳуддики сен Аллоҳ таолони кўриб турганингдек ибодат қилишингдир. Жиҳод тушунчаси эса ҳавойи нафсга қарши курашишдир. Ҳижрат тушунчаси эса, бир сўз билан айтганда, ёмонликлардан ҳижрат қилишдир. Паноҳ тилаш моҳияти уч марта нафс ва унинг ёмонлигидан ва яратилганларнинг ёмонлигидан тамомила Аллоҳ сўзи билан паноҳ сўрашдир.

Ким ўзини Аллоҳнинг кафиллигига ва ҳимоясига ўтишини хоҳласа, диним, жоним, аҳлим, молим, фарзандларим ва У менга берган барча нарсада Аллоҳ номи ила дейди. Эй Аллоҳ! Сен билан сақланаман ва сендан ёрдам сўрайман, мени ва уларни барча нарсаларнинг ёмонлигидан ва барча ёмонликдан паноҳингда қил. Ҳар нарса борки, унинг инон-ихтиёри (тасарруфи) У (Аллоҳ)нинг қўлидадир. Албатта, Раббим тўғри йўлдадир ("Ҳуд" сураси, 56-оят).

Икки қўлим ва қўллари орасига, ўнгимга ва ўнгларига, чапимга ва чапларига, тепамга ва тепаларига, тагимга ва тагларига, орқамга ва орқаларига "Қул ҳуваллоҳу аҳад Аллоҳ ас-Сомад" суранинг охиригача тақдим этаман. Ким ўзида доимий имон бўлишини хоҳласа "Лаа илаҳа илла аллоҳ" иборасини ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай ишда, боришда ва қайтишда имонини янгилаш учун айтади. Чунки имон яратилган ва ҳавои нафс ва ширк билан кирланади. Шунинг учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Имонингизни лаа илаҳа илла аллоҳ билан янгиланглар" деганлар[1].

Муоз розияллоҳу анҳу дедилар: "Зикр имоннинг янгилигини зиёда қилади ва қалбни юмшатади. Кечаси Қуръон тиловати моҳияти уммул китоб (Фотиҳа) ва тўртта қуллар – "Кафирун", "Ихлос" ва иккита паноҳ сўраладиганни, "Ҳашр" ва "Бақара" сураларининг охирини ўқишдир. Кундузи Қуръон тиловатининг афзали – "Ясин"ни ўқишдир, уни қироат қилган худди Қуръонни ўн марта ўқиб чиққандек бўлади. Жума кечасида тиловатнинг афзали – биринчи ракаатда "Ясин" ва иккинчи ракаатда "Ҳа-мим – Духон", учинчи ракаатда "Алиф лам мим танзийл" ва тўртинчи ракаатда "Таборак"ни ўқишдир. Кечки (нафл) намозлар афзали хуфтондан кейин масжидда ўртасида саломсиз тўрт ракаатли намоз ўқишдир[2]*. Ибн Умар розияллоҳу анҳу: "Ким хуфтондан кейин масжиддан чиқишдан олдин тўрт ракаат намоз ўқиса, худдики бу намозни лайлатул қадр кечасида ўқигандек бўлур", дедилар. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳдан ривоят қилиб деди: "Ким хуфтондан кейин тўрт ракаат намоз ўқиса, уларни орасини салом билан ажратмаса, лайлатул қадрда 4 ракаат ёки худди шунча ўқиганга тенг бўлади".*

[1] "Ал-Ихтиётот" асарида ҳам учрайди, 10-эҳтиёт [2: 77].
[2] "Ал-Ихтиётот" асарида ҳам учрайди, 19-эҳтиёт [2: 81].

Ким мўминларнинг ҳуқуқларини адо қилишни хоҳласа, ҳар куни йигирма беш марта "Аллоҳуммағфир лил-мўминийна вал-мўминат ва-л-муслимийна ва-л-муслимат" (Эй Аллоҳ! Мўмин ва мўминаларни, муслим ва муслималарни кечир) дейди[1]*. Хабарга кўра, буни айтган кишига Аллоҳ азза ва жалла ҳар бир тирик ва ўликдан (жавоб) қайтаради. Кимки уни бир кунда йигирма беш маротаба айтса, ўша куни қалбидаги адоват ва ҳасад олиб ташланади ҳамда шу кундаги барча ёмонликлари яхшиликларга, ўзи эса абдоллар сирасига ёзилади. Қиёмат куни мўминлардан бўлган ҳолида туради. Айтиладики гўёки у сиз учун мағфират сўраганидек, улар ҳам у учун мағфират сўрайдилар. Ким қўшниларнинг ҳаққини адо қилишни истаса, ҳар бир ёнидан қирқта ҳовли олдидаги, орқасидаги, ўнгидаги ва чапидагига ҳар кеча бир маротаба "Оят ал-курсий"ни ўқиб, бу ҳовлиларни мўлжал қилиб қалбда ният билан улар томонга бармоғини айлантиради. Бу нарса уларга Аллоҳ таоло қироати сабабидан балони кўтарадиган қўриқчи бўлади.*

Ким Одам алайҳиссалом билан ўртасидаги алоқани боғлашни истаса, ўзи учун яхши кўрган нарсани одамларга ҳам раво кўради ва уларга қодир бўлган нарсани беради ҳамда ёмон кўрган нарсасини улар учун ҳам ёмон кўради. Кимки мўл-кўл неъматга бардавом эга бўлишни истаса, бу иборани кўп айтсин: "Алҳамду лиллаҳи зил-ҳамдиллазий ҳамада биҳи нафсаҳу (Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, У ҳамд эгаси, Ўзини шу сўз билан мақтади). Садақанинг афзали кек сақлайдиган қариндошларингга садақа қилишингдир ва ашуро куни садақа қилишингдир. Зеро, у (ашуро куни садақа қилиш) билан олдин қила олмай қолган садақаларингни ўз ўрнига қўясан. Ҳамда ота-онанг номидан садақа қилишингдир[2]*.*

Рўза (нафл) тутиш афзали ҳар ойнинг оқ кунларида уч кун рўза тутишдир ва хоҳласангиз ўн кунда бир, арафа куни, ражаб ойининг 10-кунида ва муҳаррам ойининг 10-кунида рўза тутишдир. Кундузи намоз ўқишнинг афзали куннинг аввалида тўрт ракаат намоз ўқишдир. Аллоҳ таоло айтади: "Эй Одам боласи, куннинг аввалида тўрт ракаат намоз ўқи, унинг охиригача сенга кафил бўламан" [3]*. Қуёш тиккадан оғган пайтда тўрт ракат намоз ўқиш (ўқилмай қолган) тунги*

[1] "Ал-Иҳтиётот" асарида ҳам учрайди, 5-эҳтиёт [2: 69].
[2] "Ал-Иҳтиётот" асарида ҳам учрайди, 20-эҳтиёт [2: 81].
[3] "Ал-Иҳтиётот" асарида ҳам учрайди, 17-эҳтиёт [2: 80].

намозни топиш (ўрнини босиш учун)дир [1] *. Зеро, у Раҳмоннинг намозидир. Бу вақтда эса, Раҳмон намози учун Аллоҳга ҳамма нарса тасбеҳ айтадиган вақтдир.*

Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, саййидимиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломга, у зотнинг аҳли-оилаларига ва саҳобаларига ҳамда уларга яхшилик билан эргашганларга қиёмат кунигача Аллоҳнинг саломи ва саловатлари бўлсин. Яхшилик билан ниҳоясига етди [1: 1*б*–3*а*].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Рисола ат-тақва ва-л-ибода. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9027.
2. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Ал-Иҳтиётот. А. Жаҳдоний тадқиқи. Байрут, 2011.
3. Собрание восточных рукописей АН Уз. Т.11. Ташкент, 1987.
4. Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги. Ташкент, 2018.

И. Усмонов

ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида

Мақолада ЎзР ФА ШИ фондидаги № 9027 қўлёзма ва унда жамланган ўн бир асар ҳақида маълумот берилади. Мазкур асарларнинг саккизтаси араб тилида, қолган учтаси эса форс тилида. Асарларнинг мавзулари турлича бўлса-да, тасаввуфий йўналишга кўпроқ эътибор қаратилгани сезилади. Шунингдек, мазкур мажмуадаги биринчи рисола ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб бўлиб, мақола сўнгида ушбу рисоланинг матни ва таржимаси келтирилган. Мақола муаллифи мазкур тўплам кичик кутубхона ҳамда таълимий вазифаларни ўтаган бўлиши мумкин, деган хулосага келган.

Калит сўзлар: *қўлёзма мажмуаси, ал-Ҳаким ат-Термизий, араб ва форс тили, руҳий тарбия, тасаввуф, таълим.*

[1] “Ал-Иҳтиётот” асарида ҳам учрайди, 18-эҳтиёт [2: 80].

И. Усманов

О трактате ал-Хакима ат-Тирмизи в рукописном собрании № 9027 фонда ИВ АН РУз

В статье приведены сведения о рукописном сборнике № 9027 фонда ИВАН РУз. В данном сборнике собраны одиннадцать произведений. Восемь из этих работ написаны на арабском языке, а остальные три на персидском. Не смотря на то что, темы произведений рознятся, ощущается что даётся приоритет суфийской теме. Первый приведённый трактат в данном сборнике принадлежит перу ал-Хакима ат-Тирмизи. Текст и перевод данного трактата приведены в конце статьи. Автор статьи пришел к выводу, что этот сборник мог служить маленькой библиотекой, а также был задействован в образовательных целях.

Ключевые слова: *рукописный сборник, ал-Хаким ат-Тирмизи, арабский и персидский языки, духовное образование, суфизм, образование.*

I. Usmanov

About the treatise of al-Hakim at-Tirmidhi in the manuscript collection № 9027 of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Sciences

The article provides information about the handwritten collection No. 9027 of the of the Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of Uzbekistan. This collection contains eleven works. Eight of these works are written in Arabic, and the remaining three are in Persian. Despite the fact that the themes of the works differ, it is felt that priority is given to the Sufi theme. The first treatise cited in this collection belongs to the pen of al-Hakim at-Tirmidhi. The text and translation of this treatise are given at the end of the article. The author of the article came to the conclusion that this collection could serve as a small library and was also used for educational purposes.

Keywords: *handwritten collection, al-Hakim at-Tirmidhi, Arabic and Persian languages, spiritual education, Sufism, education.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Абдуллаев Ботиржон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Бобоёров Ғайбулла Боллиевич –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
5. **Воҳидова Комила Абдуллозизовна** – тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети докторанти.
6. **Исмаилова Жаннат Ҳамидовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурҳониддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло қизи –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
12. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – Гулистон давлат университети таянч докторанти.
14. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Наши авторы

1. **Абдуллаев Ботирджан Косимович –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, вице-президент Академии наук Республики Узбекистан, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Бабаяров Гайбулла Боллиевич –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Национального археологического центра Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Вохидова Комила Абдуллазизовна** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Наманганского государственного университета.
6. **Исмаилова Жаннат Хамидовна** – доктор исторических наук, профессор, директор Государственного музея истории Узбекистан Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурханиддин угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – доктор философии по филологии (PhD), старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло кизи –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Остонов Джахонгир Давлатович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – базовый докторант Гулистанского государственного университета.
14. **Усмонов Иброхим Собирович –** кандидат исторических наук, доцент, докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bahrom A. Abduhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, vice-present of Uzbekistan Academy of Scince, Director of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
2. **Botirjon Q. Abdullaev** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
3. **Farrukh B. Kamoliddinov** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
4. **Gaybulla B. Boboyorov** – Doctor of Science (in History), professor, Deputy Director of the National Archaeological Center of Uzbekistan Academy of Scince.
5. **Ibrohim S. Usmonov –** Candidate of Historical Sciences, associate professor, DSc student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
6. **Jahongir D. Ostonov –** PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
7. **Komila A. Vohidova –** Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, DSc student of Namangan State University.
8. **Maftuna M. Mirzayeva** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
9. **Muzaffar Z. Suvonkulov –** PhD student of Gulistan Satate University.
10. **Natalia E. Karimova –** Doctor of Science (in History), professor, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
11. **Oysara R. Madalieva –** PhD in Philology, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** Candidate of Historical Sciences, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.

13. **Salimakhon N. Eshonova** – Candidate of Philology Sciences, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
14. **Shoira M. Akramova** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
15. **Zhannat Kh. Ismailova** – Doctor of Science (in History), Professor, Director of the State Museum of History of Uzbekistan of Uzbekistan Academy of Sciences.